

Сийрат дарслари (111-дарс). Дўзахдан сақланиш



13:30 / 20.11.2020 4897

436. Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, менга Аллоҳ манфаат берадиган ишни амр қилинг», дедим. «**Рўзани лозим тут, унинг ўхшаши йўқдир**», дедилар.

Насоий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

437. Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ким Аллоҳнинг йўлида бир кун рўза тутса, Аллоҳ унинг юзини дўзахдан етмиш кузлик** (йиллик масофага) **узоқ қилади**», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

438. Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жаннатнинг бир эшиги бўлиб, Райён деб номланади. Қиёмат куни рўзадорлар ундан киришади, улардан бошқа бирортаси кирмайди. «Рўзадорлар қаерда?» дейлади. Улар шундан киришади. Уларнинг охиргиси кирганда у беркитилади. Ундан бошқа ҳеч ким кирмайди», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан